



1,5,5

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI
B U Y R U Q

2020 yil "10" o'kuzm 126-47 - son

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидаларига оид нормаларни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартағи “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари тизими ходимлари одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш, уларнинг ўз хизмат вазифаларини вижданан ва самарали бажаришлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, давлат хизматида сунистеъмолликларнинг олдини олиш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хузуридаги Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 2-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бандлик бош бошқармалари, туман (шаҳар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ва тасаррufий ташкилотлар раҳбарлари бир ҳафта муддат ичida ўз фаолиятлари хусусиятларини хисобга олган ҳолда мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари асосида таркибий бўлинмалар ходимлари учун мажбурий бўлган ходимларнинг идоравий одоб-ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқсинлар ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин.

3. Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов), Юридик бўлим (М.Азизова) билан биргаликда 3 кун муддат ичida Вазирлик марказий аппаратининг Ички меҳнат тартиби қоидалари ва бошқа идоравий ҳужжатларни ушбу буйруқка мувофиқлаштиурсин.

4. Кадрлар бўлими бошлиғи (А.Эгамов) Одоб-ахлоқ қоидалариши бузган ходим қонун хужжатларига мувофиқ, интизомий жазога тортилиши хақида марказий аппарат ҳамда худудий бошқармалар ва тасарруфий ташкилотлар раҳбарлари эътиборига етказсин.


5. Одоб-ахлоқ комиссиясига Касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда 2020 йил мобайнида Одоб-ахлоқ қоидаларининг қўлланилиши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, заруратга қараб уларнинг якунлари бўйича Одоб-ахлоқ қоидаларини янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклифлар киритиш вазифаси юклатилсин.

6. Девонхона (Г.Батирова) мазкур буйрукнинг нусхасини Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари, Корагалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бандлик бош бошқармалари ҳамда тасарруфий ташкилотларига етказилишини таъминласин.

7. Мазкур буйрук қабул килиниши муносабати билан 2016 йил 19 апрелдаги қабул килинган 48 ич-сон буйрук ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур буйрукнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Б.Умурзаков зиммасига юклансин.

Вазир



Н. Хусанов



Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
мехнат муносабатлари вазирлигининг
2020 йил «10» 08 даги
126-сон бўйргисга
1- ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ходимларнинг Одоб-ахлоқ қоидалари

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидалари (кейинчалик Одоб-ахлоқ қоидалари деб аталади) эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар, Вазирликнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, худудий бош бошқармалар, туман (шахар) марказлари ва тасарруфий ташкилотлар ходимларининг касбий одоб-ахлоқининг умумий принциплари ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари йигиндисидан иборат.

2. Одоб-ахлоқ қоидалари - хуқуқбузарликнинг олдини олишга, содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-хуқукий хужжатларига, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тўғрисидаги Низомга ҳамда фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

3. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, худудий бош бошқармалари ва тасарруфий ташкилотлар (кейинги ўринларда - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизими ходимлари), Кадрлар бошқармаси томонидан тизимга ишга кираётган номзодларни Одоб-ахлоқ қоидалари билан таниширадилар.

4. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар қонун ҳужжатлари ва Одоб-ахлоқ қоидалари талабларига риоя этишлари шарт.

Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш вазирлик тизимидағи ходимнинг касбий фаолиятини ва хизматдаги хулқ-атворини баҳолаш мезонларидан бири бўлиб хисобланади.

II. БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРНИНГ ХИЗМАТДАГИ ХУЛҚ-АТВОРИНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

5. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизими ходимлари ўз касбий фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширишлари керак:

- конунийлик;

- фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

- ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидоийлик;
- давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

6. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар куйидагиларга мажбур:

- хизмат вазифаларини бажаришда Вазирлик (Бошкарма, ташкилот) Низоми, ички идоравий ҳужжатлари ҳамда хизмат мажбуриятларига қатъий риоя этишга;

- ўз хизмат вазифаларини вижданан, юксак касбий даражада бажаришга;

- юқори органлар ва мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул килган қарорларини (топширикларини) ўз вактида ва сифатли бажаришга;

- ўз фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички меъёрий ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга оширишга;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гурухлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймасликга;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкий ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган ҳатти-харакатларга барҳам беришга;

- норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини оғишмай бажаришга;

- Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ҳалкларининг урфодатлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш, турли этник, ижтимоий гурухлар ва конфессияларнинг маданий ҳамда бошқа хусусиятларини ҳисобга олиш, ижтимоий барқарорликка, миллатлараро ва конфессиялараро тутувликка кўмаклашиш;

- ўзларининг хизмат вазифаларини вижданан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек ўз обрўсига ёки давлат ҳамда Вазирлик нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймасликка;

- хизмат мавқеидан давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноконуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмасликга;

- вазирликда хабарларни ва хизмат ахборотларини тақдим килишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишга.

7. Сиёсий, иктисадий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек, шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар Вазирлик тизимидағи ходимларнинг қонун хужжатлари талабларини ва Одоб-аҳлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди.

8. Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Вазирлик тизимидағи ходимларга ўз хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан бирор-бир моддий бойликларни олиш ёхуд жисмоний ёки юридик шахслардан бошқача наф кўриш таъкиланади.

9. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар:

-коррупция холатларига карши курашиши ва уларнинг профилактикасиға фаол кўмаклашиши шарт;

- ўз раҳбарини ёхуд хуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни хукуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахслар томонидан килинган мурожаатларининг барча холатлари тўғрисида, шунингдек, бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган хукуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай холатлари хақида хабардор килиши шарт;

- тизимдаги раҳбарлар шахслар томонидан қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилинганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид килганлиги учун ишдан бўшатилишига ёки бошқача шаклда таъкиб қилинишига йўл кўймаслигини таъминлаши керак.

10. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланишини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

11. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юкори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, тизимда маънавий-психологик мухит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топширикларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф ҳатти-харакатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни кариндошлиқ, ҳамشاҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва лавозим (вазифа) га кўйиш холатларига йўл кўймаслиги керак. У гурухбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараённада бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Рахбар:

- манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

- коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

- ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт. Раҳбар ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-харакатларига (харакатсизлигига) йўл қўйилмаслиги чораларини кўрмаганлиги учун жавоб беради.

12. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар:

- ўзларининг хизматдаги хулқ-атвори билан жамоада бошка давлат хизматчилари билан ўзаро ишчанлик ва амалий ҳамкорликда бўлиши;

-хушмуомалали, илтифотли, одобли, эътиборли, фуқаролар ва ҳамқасблари билан муносабатда сабр-тоқатли бўлиши;

- ўзига бўйсунувчиларга ва фуқароларга нисбатан қўполлик қиласлиги, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги, уларга асоссиз психологик ва жисмоний таъсир қўрсатиш ҳолатларига йўл қўймаслиги;

-хизмат вазифаларини бажариш чоғида иш шароитлари ва хизмат тадбирларининг шаклига боғлиқ ҳолда Вазирлик тизимидағи ходимларнинг ташки кўриниши фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишига ёрдам бериши, умумий қабул қилинган иш услубига мувофик бўлиши, улар расмийлиги, вазминлиги ва тартиблилиги билан бошқалардан ажралиб туриши керак.

13. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар хизматдан ташқари вақтда умумий қабул қилинган Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишлари, гайриижтимоий хатти-харакатларга йўл қўймаслиги керак.

III. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

14. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар ўз хизмат вазифаларини бажаришда манфаатлар тўқнашувига сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўймасликлари керак.

Манфаатлар тўқнашуви Вазирлик тизимидағи ходимларнинг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва бегараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатларда пайдо бўлади.

Вазирлик тизимидағи ходимларнинг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек, улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф қўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда Вазирлик тизимидағи ходимлар ўз раҳбарини дархол хабардор қилиши керак.

Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни тартибга келтириш бўйича ўз вактида чоралар кўриши шарт.

15. Вазирлик тизимидағи ходимлар асосий иш фаолияти билан бир вактда бошқа иш фаолияти билан шуғулланиши тақиқланади.

Вазирлик тизимидағи ходимлар ҳар кандай ҳолатларда ҳам ўз хизмат мавқеидан келиб чиқиб мумкин бўлмаган (таъкиқланган) шахсий фойдани олиши мумкин эмас.

Вазирлик тизимидағи ходимлар ўз раҳбарини манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик бўйича чоралар кўриш мақсадида тижорат ташкилотларининг устав капиталида иштирок этиши тўғрисида хабардор қилиши шарт.

16. Вазирлик тизимидағи ходимлар лавозимга тайинланаётганда ва хизмат вазифаларини бажараётганда ўзининг хизмат вазифаларини зарур даражада бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлигининг мавжудлиги ёки мавжуд бўлиши имконияти тўғрисида маълум қилиши шарт.

IV. ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

17. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимидағи ходимлар томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юкори ва бошқа лавозимларга тайинлаш учун кадрлар захирасини шакллантиришда хисобга олинади.

19. Ушбу Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилишлари Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилади.

Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиши натижалари бўйича интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хulosча чиқарилади. Натижаси бўйича тизим раҳбарига Одоб-ахлоқ қоидасини бузган ходимни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг характеристини хисобга олган ҳолда, Одоб-ахлоқ комиссияси ходимга нисбатан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огохлантириш билан чекланиши мумкин.

Вазирлик тизимидағи ходимлар ўzlари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳакида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, Вазирлик тизимининг карорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
мехнат муносабатлари вазирлигининг
2020 йил «10» 08 даги
120-сон буйргуга

2- ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
хузуридаги Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби**

№	Фамилия, иеми, отасининг иеми	лавозими
1	Умурзаков Ҳамидович	Баҳодир - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирг ўринбосари, комиссия раиси
2	Исакова Абдумаликовна	Гуллола - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири маслаҳатчиси
3	Эгамов Нормухаммадович	Ойбек - Кадрлар бошқармаси бошлиғи
4	Азизова Мирабдуллаевна	Мамура - Юридик бўлими бошлиғи, вазирлик Касаба уюшмаси раиси
5	Тўрабеков Улугбекович	Машраббек - Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ижро интизоми назорати бошқармаси бошлиғи, комиссия котиби

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
мехнат муносабатлари вазирлигининг
2020 йил «10» 08 даги
126-сон бўйруига

З-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари
вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги
НИЗОМИ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги Низоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи хокимият органлари ходимларининг Одоб-ахлоқ намунавий қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 62-сон карорига асосан ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Низом Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Одоб-ахлоқ комиссиясининг (кейинги ўринларда Одоб ахлоқ комиссияси – деб юритилади) мақсади, вазифалари, функциялари, хуқуклари жавобгарлиги ва унинг фаолиятини ташкил этишни белгилайди.

3. Одоб-ахлоқ комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, карорлари ва фармойишларига, вазирлик Низомига, ушбу Низомга ҳамда бошқа норматив-хуқукий хужжатларга амал қиласди.

4. Одоб-ахлоқ комиссияси 5 (беш) кишидан иборат таркибда тузилади.

Одоб-ахлоқ комиссияси қўйидаги таркибдан иборатdir:

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг ўринbosарларидан бири (комиссия раиси);

Вазирнинг Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун хужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси;

Кадрлар бошқармаси бошлиғи;

Юридик бўлим бошлиғи;

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш ҳамда ижро интизоми назорати бошқармаси бошлиғи.

II. ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИННИГ МАҚСАДИ

1. Одоб-ахлоқ комиссиясининг асосий мақсади, Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши ёки бошқача тарздаги қоид бузилишлари холатларини мухокама килиш ва ушбу Низомда белгиланган ваколати доирасида таъсир чораларини кўришдан иборат.

III. ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИННИГ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

1. Одоб-ахлоқ комиссиясининг вазифалари ва функциялари куйидагилардан иборат:

-одоб-ахлоқ коидаларининг бузилиши ҳолатлари юз бергани тўғрисида киритилган маълумотларни кўриб чиқиш ва натижалари бўйича одоб-ахлоқ коидаларини бузган ходимга нисбатан интизомий ёки бошқача тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хulosा чиқариш;

-вазирлик раҳбариятига одоб-ахлоқ коидалари бузилишини содир этган вазирлик ходимини интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритиш;

-йўл қўйилган қоида бузилишининг характеристини хисобга олган ҳолда, ходимни одоб-ахлоқ коидаларининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огохлантириш;

-одоб-ахлоқ комиссияси иш режасини тузиш, комиссия тасдиқлаш учун киритиш ва иш режага амал қилган ҳолда белгиланган вазифаларни амалга ошириш;

-одоб-ахлоқ комиссияси йиғилишларини ташкиллаштириш ва мажлис баёнларини тузиш ва комиссия раисига тасдиқлаш учун киритиш.

-одоб-ахлоқ комиссияси мажлис баёни қарорлари ижросини назорат килиш.

IV. ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИННИГ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Одоб-ахлоқ комиссия мажлислари заруриятга қараб ўтказилади. Одоб-ахлоқ комиссия мажлислари очик тарзда ўтказилади. Зарур ҳолларда одоб-ахлоқ комиссия ёпиқ мажлис ўтказилиши мумкин.

2. Одоб-ахлоқ комиссия мажлисини комиссия раиси, у йўклигида эса, унинг топшириғига биноан комиссия аъзоларидан бири олиб боради. Одоб-ахлоқ комиссия мажлисида баённома юритилади, уни комиссия раиси имзолайди.

3. Одоб-ахлоқ комиссия мажлислари, агар уларда комиссия аъзолари умумий сонининг камида учдан икки кисми ҳозир бўлса, ваколатлидир.

4. Одоб-ахлоқ комиссиянинг келгуси мажлиси тўғрисида унинг раиси комиссия аъзоларига қоида тарикасида, камида икки кун олдин хабар қиласди, шунингдек мажлиснинг бошқа иштирокчиларини олдиндан хабардор этади.

5. Одоб-ахлоқ комиссия кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан комиссиянинг кўпчилик овози билан хulosा қилинади. Одоб-ахлоқ комиссия баёни комиссия раиси томонидан имзоланади.

6. Одоб-ахлоқ комиссия раиси:

- Одоб-ахлоқ комиссия ишини ташкил этади;
- комиссия мажлисларини чакиради ва ўтказади;
- комиссия аъзоларига топшириқлар беради.

7. Одоб-ахлоқ комиссия аъзоси комиссия мажлисида ҳозир бўлиши ва ўзига юклатилган мажбуриятларни бажариши шарт.

Одоб-ахлоқ комиссия аъзоси комиссия мажлисида ҳозир бўлиш имкони бўлмаганда комиссия раисини олдиндан хабардор этиши шарт.

8. Одоб-ахлоқ комиссия аъзоси:

- Одоб-ахлоқ комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;
- Одоб-ахлоқ комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;
- Одоб-ахлоқ комиссия хulosаси тайёрланишида, мухокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этиш ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;
- кўриб чиқилаётган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишиб чиқишга;
- Одоб-ахлоқ комиссияси хulosасига рози бўлмаган тақдирда ўз нуктаи назарини баён этишга ҳақли.
- Одоб-ахлоқ комиссия аъзоси ушбу Низомга мувоғик бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

9. Ходимнинг ҳаракатларида одоб-ахлоқ коидалари бузилиши фактининг мавжуд эмаслиги аниқланган тақдирда, мурожаат кўриб чиқилмайди.

10. Мурожаат унинг ташаббускори томонидан қомиссия хulosаси қабул қилингунига қадар қайтариб олиниши мумкин.

11. Тарафларнинг ярашуви, шунингдек ходим ўз хохиши билан ошкора узр сўраган ҳолларида, ўзига нисбатан таъсир чоралари қўлланилишидан озод этилиши мумкин.

V. ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИННИГ ЖАВОБГАРЛИГИ

1. Одоб-ахлоқ комиссияси ўзига юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.